

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

“O‘zbek tili va adabiyoti” II bosqich magistranti

Аваз Алимов

Ilmiy rahbar: dots.Usmonjon Qsimov

Қанча ёзиш мумкин? Нега инсонда ёзиш истаги бу қадар кучли? Шоир нима учун ёзади, ёзаверади? Нега шундай? Ёки мангуликка дахлдорликни анлаш истагими? Ёхуд инсоннинг ўзини-ўзи англаш ва ифодалаш йўлимикин?...



Усмон Азимнинг шеъриятига шўнғир экансиз, кўнглингиздан шу ўйлар бир қарра кечади. Шоирнинг ўзи бир суҳбатда шундай деган эди: “...ижод – мукаммаллик сари кетадиган йўлни излаш ёки ...буюк тасалли – умид яратадиган жараён... Ижод – санъаткорнинг мангулик учун ўткинчи дунё билан қилган жангидир... бу жанг-у-жадал, бу соғинч, бу ёлғизлик, бу изтироб, ночорлик ва жасорат истеъдоднинг сеҳрли шуълалари билан омухта бўлганда, гўзал асарлар яралади. Истеъдод – Оллоҳ билан учрашувнинг энг гўзалидир...”.

Шеър инсоннинг ўзини мукаммалроқ, дунёни гўзалроқ кўриш истагидан туғилади. Аммо бу таъриф билан ўз салмоғини йўқотади, унга изоҳа ва шарҳлар беришга эҳтиёж туғилади. Айниқса, Усмон Азим шеърияти ҳақида сўз кетганда, шеърнинг бошқа вазифалари, шеър, умуман ижод, бу аслида инсоннинг исёни, дунёнинг номукаммаллигига, умр ўткинчилигига қарши бир исён эканлигини тушуна бошлайсан киши. Бу исён ортида ҳамиша излаш, англаш, топиш ва йўқотиш мавжудлигини ҳис қиласан. Онгни узлуксиз фаолиятда ушлаб турувчи интизомига, ёлғизликка эҳтиёж сезасан. Бу ёлғизлик юракка кўчганида, юрак янгиланиши мумкинлигини англайсан. Бир хил кечаётгандек – яқранг такрорланаётган кунларни ўтказишга, яшаб ўтишга маҳкум инсоннинг бу дунёдан маъно излаб, мазмун топиб, унинг фожеасини англаб, уни енгиб яшаши жасоратдек туюлади.

Юрак билан юзма-юз қолиб унга малолсиз боқиш, унинг ҳақиқатини ёзиш муҳим саналади Усмон Азим шеъриятида. Бундай исённинг сокинлик билан ифодаланиши эса янада ҳайратланарли:

Ўлим судраб борар –
Ушлаб қолай десам,
Еккан дарахтларимнинг
биттаси ҳам йўқ...

Ўлим судраб борар –
ким кесиб йўқ қилди
еккан дарахтларимни?
Еккан дарахтларим
униб чикмасидан
ким ўлимга топширди мени?
Нега мунча чуқур экдим
бу дарахтларни –
кимга фойдаси бор
минг йилдан кейин кўкарса...
Минг йилдан кейин кўкарса,
ўлим нима дейди уларга,
нима дейди бу номард ўлим.
Қайдан топади
минг йил ўсадиган жавобни –
бир ўзи бўлса...¹

Дунё кўрқоқ одамга ҳеч нарса бермайди. Кўрқув исканжасида яшаётган одам на дунёни, на ўзини танийди. Унинг кунлари рангсиз ва бесамар ўтаверади. Ниманидир англаш, тирикликнинг, дунёнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш учун ўлимдан кўрқмаслик, унга тик боқишга куч топиши керак бўлади инсон ўзида. Шоир шахси фожеавийлигини номоён қилган бу шеър ўлим ҳақида эмас, тириклик ҳақида, инсоннинг инсонлик моҳияти ҳақида. У ўйлашга мажбурлайди. **Усмон Азимнинг барча шеърларида худди мана шундай хусусият мавжуд. Уларни ўйлаб, юракни ишлатиб ўқиш керак.** Ўйлаш эса ҳар бир нарсани қайта, янгидан ўрганиш, ҳар бир нарса-ҳодисага диққат билан назар ташлаб англашдир. Шу маънода шеър инсонни қайта яратиш ва қайта кашф этиш кучига эгадир.

Шоир шеърларида бебаҳолик ва фонийликка исён ҳамма нарсани барбод қилиш ва бой беришни эмас, ҳақиқат, адолат, гўзаллик ва ниҳоят, ўз-ўзини англаш демак-ки, яратиш учун хизмат қилишини тарғиб қилади. Чинакам санъат асари – шеърга юкланадиган вазифани уддалайди.

Ўзи бир бор ёғиб ўтишга арзийди
одамнинг умри,
ёғ, умрим, кўнгиллар кўкарсин!
Фақат эркин ёғ,
яна минг бор ёғадигандай.

Бир томондан инкор этиш, иккинчи томондан шарафлаш, йўл – шу! Ҳаққа интилаётган кўнгилга бўм-бўш кўринган дунёнинг рангин ташбеҳларини топган шоир шеърларида уни беомон тасвирлайди. Шеърга, у орқали юракка кўчган дунё, борлиқ – ер-у осмон, денгиз-у соҳил ва ҳатто энг кичик зарра – ҳаммаси ўзингники, ва айна пайтда, сендан олисда – бегона.

¹ Usmon AZIM. "Fonus"(she'rlar). 77-bet

Унда бирдан дунёни бутун, бор-у-йўғи билан кўра бошлайсан. У минглаб йиллар илгариги ва кейинги қиёфалари билан кўз ўнгингда намоён бўлади.

Яхши шеър сирлилиги, бир пайтнинг ўзида бир неча маънони ифодалай олиши билан қимматли. Усмон Азим шеърлари ҳам инсонни уларга қайта мурожаат этишга мажбурлайди. Бунинг сабаби шоир, аввало, ижодда ростгўйликни мақсад қилиб олади. Ўйлаб кўринг, Шўро сиёсати мамлакатдаги барча миллатларни йўқотиб, русларга кўшиб юбориш (ассимиляция) билан “умумсовет халқи”ни яратиш, ягона маданият, адабиёт ва санъатни вужудга келтириш, бунга қарши чиқувчиларни ким бўлмасин жазога тортиш учун заҳарли тишини қайраб турган бир шароитда ўз миллатининг дардига шу йўл билан малҳам излашга интилиши чиндан ҳам янгилик ва жасорат эмасми?! Шоир бу ниятини қатъият билан амалга ошириш учун шундай онт ичган эди:

Қалбингизга дарё бўлиб кираман бир кун,
Шеър юртидан садо бўлиб кираман бир кун.
Умрим ўтар бағрингизга баҳор солгани,
Куз билан жанг қила-қила ўтаман бир кун.²

Кўриниб турибдики, шоир она халқининг бағрига баҳор (истиклол тимсоли) нафасини олиб кириш учун бутун умрини “Куз (муштамлакачи рамзи) билан жанг” қилишга бағишлайди. Ажабки, шоир ижодида ушбу рамзий тимсоллар шеърдан- шеърга, тўпламдан тўпламга барқарорлашиб, ўсиб, кенгайиб, тиниқлашиб бораверди. Масалан, навбатдаги шеърларидан бирида шундай сатрларни ўқиймиз: “Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида, Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.” Агар Усмон Азим қўллаган куз, баҳор тимсолларини унинг поетик нияти мезонлари билан ўлчаيدиган бўлсак, тонг (истиклол арафаси) умрининг сўнгги кунларини кечираётган кузак (куз эмас! Тугаб қолган, чириган кузак-Й.С.) бағрида титраб-титраб бўлса-да, “гулгун шафақ”қа (муштақиллик) интилаётганига ишора қилинади. Бу Усмон Азим шеърларида образ, фикр, туйғу доимий ҳаракатда эканлигидан далолат беради. Бу ҳаракат мунтазам давом этади, гоҳ иккинчи бир ҳаракат билан тўқнашади, баъзан улар бирлашиб ягона мақсад сари йўл олади. Ҳаракатлар динамикаси, тўқнашуви ва бирлашиши натижасида шеърларда кучли драматизм, чуқур психологик ҳолат вужудга келади.

Усмон Азим шеърларининг асосини Ватанни англаш, ўзликка қайтиш, вафодорлик, фидойилик туйғуси ташкил этишини алоҳида таъкидлаш зарур. Унинг шеърларини ўқиб, Ватан тақдири шоирнинг “улуғ дард”ига айланганини, агар “Шеърда суратин чизса Тўрт мучаси соғ” бўлишини истаётганини англаш қийин эмас. Мабоодо лирик қаҳрамон-шоир минг бир бўлакка бўлиниб кетса ҳам “Ватан” деган сўзни эшитганда қайтадан бирлашиб, тирила бошлайди, қаддини тиклайди. У Ватан сўзидан вужудига қувват, мақсадига журъат, юрагига жасорат олади. Шоирнинг

² Usmon AZIM. “Tanlangan asarlar”, 2016. 21-bet

хулосаси шуки, “Ватандан бошқа бир сўз қалбимга мос тушмади.” Бу мўтабар сўзнинг туб маъносини ўқувчига чуқурроқ англатиш учун Усмон Азим ижодда турли шакл ва усуллардан фойдаланади. Унинг китобларини варақлар эканмиз, гоҳ халқона ўланлар-у Ғарб адабиётига хос балладаларга, гоҳ “чапани ёки жайдари шеърлар”га, буюк “Хамса”га татаббуъ тарзида ёзилган сатрларга, японча хокку билан ёнма-ён ўзбекона учликларга дуч келамиз. Лекин ҳаммасининг асоси, илдизи битта: Инсонга муҳаббат, муҳаббатда вафо, вафода қатъият, қатъиятда интизом, интизомда имонлилик...

Келинг, шоир шеърларига яна бир қарайлик. Ундаги кўтарилган мавзулар эрк, ватан, ўлим, куз... ундан ташқари яна қандай мавзулар етакчилик қилганлигига эътибор қаратайлик. Мана, шоирнинг 2010-йилда чоп этилган “Фонус” тўплами. Уни варақлай туриб, беихтиёр мана бу шеърни қайта ва қайта ўқийверасиз:

Етти қават кўкдан келган нур,
Рух-у-қалбга майин қуйилар,
Баъзан сенсиз қолган бу умр
Тангри инъомидай туйилар.

Шоир ўз туйғуларига нисбатан ҳеч қандай шубҳаси йўқлигини шу ва шу каби шеърларида ҳам яққол кўрсатган. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон жасур ва дадиллиги билан ҳам кечмишини ўқишли қилиб қўйган.

Шоир “Фонус” тўпламида “Сўнгги хат”, “Ўзимга саёҳат”, “Қофия”, “Китоб қатидаги китоб”, “Сўнгги кўнғироқ” каби шеърӣ дафтарларидан олинган сара шеърлар ва драматик қаҳрамонларга мурожаати билан ҳам ўринлидир. Шоир “Мавзулар” дафтарида бир қатор хотирот шеърларини эълон қилади. Шоирнинг устози Шухрат, дўсти, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, ҳў ўша 70-йиллардаги “қуролдошлари” Шавкат Раҳмон ва Муҳаммад Юсуф каби инсонларга бағишланган шеърлар берилган бу тўпламда. Улардан айримларини қисқа сатрларда бўлса-да келтириб ўтишни лозим кўрдик:

Рўзи Чори хотирасига

Рўзи ака! Оғажоним, қайга кетдинг?
Мен ҳам аста бўйлаётган жойга кетдинг...
Ойга эмас, қаро ерга – жойга кетдинг –
Қаро тупроқ қаърида ҳам юлдуз Рўзи!

Оғриса жон – нина кирса, этим эдинг.
Бу дунёга кўрсатгули бетим эдинг;
Етмиш учга кириб ҳамки етим эдинг –
Барчага – эл, эл ичида ёлғиз Рўзи.

Магар келдик бу дунёга саёҳатга,
Диллашмадик неча йилким фароғатда.
Енди дийдор, қолди оғам, қиёматга...

Бу дунёлар эсиз қолди, сенсиз, Рўзи! ³

Кузги йўл

Ҳозир ҳам боғимга боқсам сўл-у-ўнг,
Кузакка тўлгандир – жоним ёнарли...
...Онам бу дунёдан кетганидан сўнг,
Менга куз қолмасдан, нима қоларди?⁴

Шавкат ва Муҳаммадга

Баъзан дун тахтида, баъзан чоғида
Умр гоҳ имиллар, гоҳо елади.
Хат ёзгим келади сизга гоҳида,
Гоҳо ортингиздан боргим келади...⁵

Шоир кўнглида кечаётга алам ва изтироб унинг қанчалар бардошли бўлмасин, энг оз шу қадар жасоратини синовдан ўтказгандай бўлаверади. Дўстларига бағишланган мўжазгина тўртликда ҳам шоирнинг қанчадан-қанча соғинчи, қанчадан-қанча изтироблари, уларга бўлган меҳрнинг содда ва айна пайтда ўтли сатрларга кўчганлигини кўрасиз. Шоир ўз “қуролдошлари”ни қанчалар ардоқлаб, севиб, уларга қанчалар талпинмасин... Бунинг ҳаммасига кўнишга мажбур эканлигини ҳам билади. Шу боис ҳам дўстларига “хат ёзгим келади сизга гоҳида” деб ширин соғинч хисси билан мурожаат этмоққа интилади. Уларнинг ортидан бориш эса, Тангрига исён эканлигини англайди ва кўнади. Боролмасликка кўнади. “гоҳи ортингиздан боргим келади ” деган сатрни шунчаки, дўстлари қайтмаса, уларга эркаликдай назарда ёзади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. U.Azim. Tanlangan asarlar. 1-jild / Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016. 480 bet.
2. U.Azim. Fonus: She’rlar – Toshkent: “Sharq”, 2010. 160 bet.
3. U.Azim. Kuz. She’rlar – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti, 1998/ 436 bet.
4. U.Azimov. Uyg’onish azobi: She’rlar – Toshkent: Adabiyot va san’at nashriyoti, 1991 – 320 bet.
5. Istiqlol. Adabiyot. Tanqid... /tuzuvchi va nashrga tayyorlovchilar: S. Quronov, R. Haydarova, R. Hakimjonova, – T : “Turon zamin ziyo” , 2014. - 312 bet

³ Usmon AZIM. “Fonus” (she’rlar). 78-bet

⁴ Usmon AZIM. “Fonus” (she’rlar). 75-bet

⁵ Usmon AZIM. “Fonus ” (she’rlar). 72-bet